



Миллатлар тараккийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила агниёнинг хамийят ва гайратлари дур. Тараккий килгон ва ё энди тараккий килгувчи миллатлар ахволига диккат килинса, мазкур икки синф мухтарамни ўз миллатларига сўз ва окча ила хидмат этганлари фавран зохир бўлур.

Хар миллатнинг уламоси, ахли калами, мутафаккири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлокининг ислохи учун масжидларда панд ва насиҳат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб ва газет ила умматни муслилих учун баҳс ва муколамалар килурлар. Тараккий килгувчи миллатларнинг уламоси замондин боҳабар бўлиб, ўз миллатининг “масолиха замонийя”си учун саъй этар, миллатни пешрафтига окча ила, гайрат ила иона килмокни миллат бойларига таклиф этар, ташвик ва тахрис этар. Хулоса, хар миллатни уламоси, ахли калами миллат учун сўйлар, ёзар ва хавоижи миллия ва замонияни ўз миллат мансубасига билдирарлар. Замона агниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда окча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламок учун харакат этарлар. Хукуматни ўрта ва олий мактабларига ўқийдурғон уз миллат болаларига ионат этарлар. Ва бечора хамжинсларини диний ва дунёвий мактабларига беруб, ўз харажатлари ила ўкутадурлар.

Рус, армани, яхудий ва бошка Русиядаги ватандошларимизни бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эхсонлар киладурлар, инчунин, Кафкоз, Кирим, Козондаки мусулмон биродарларимизни бойлари, ула-моси ва ахли калами, соҳиби фикри ўз биродарларира мол, окча, калам ва илм ила куб иона киладурлар. Аммо бизни Туркистонда бу ишлардин сўйламокка хануз навбат келган йўк. Хар ким ўз нафъи ва ўз шахсий иши ила саргардон, умумий ёинки диний ва миллий ишларни ояндаси учун, миллатни замона одамларидек тараккий этмоги учун, халойикни ислоҳ ахлоки учун гам тортувчи ва харакат этгувчи йўқдир.

Бир карра диккат килиб, махалла-куй ва кишлок халкларига каралсун. Авомлик, беилмлик накадар кўпайган. Биз мусулмонмиз. Мусулмонликга илм лозим, амал лозим. Ўкумок керак, нима учун бошка миллатларда юза бир нафар бесавод йўк экан, биза юза бир нафар саводлик йўк?

Бошка миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники хаммолликда ва гадойликда. Бошка миллат уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъакс авомга тобеъдур? Бунинг охири харобдур. Йигирма, ўттиз сана сўнгра яна ёмонрок булур, мусулмонлик, илм ва одоб ила коим. Миллат ахлоки, фазл ва хунар ила бокий колур.

Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатга кўшиш килинмаса раби аср сўнгра

диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларга колур, бу масъулиятдин кутулмок учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўкумок учун таргиб килмок керакдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасадур.

Дунёвий фанларни ўрни хукумат мактаблари дур, иккисига ўкумок учун окча лозимки, ул окча бойларни киссайи хамиятидан чикса керак. Хар замон учун асбоби ислоҳ ва тараккийи ионат бошкарур. Миллатга ионат этмок учун, ислоҳи мактаб ва мударрис учун, русий мактабларига ола тайёрламок учун, дехкон ва санъаткорларни ривож бермок учун “хамияти хайрия”, “нашри маориф”, кироатхоналар, фундлар, куружуклар, жаридалар, мажаллалар, нашриётлар... керакдур. Миллатлар тараккийси шул ила бўлур ва бу ишларга окча керакдур, окча бойларда ва афродда!

Маро ба тажриба маълум шуд даро хар кор,

Ки кадри мард ба илм аст кадри илм ба мол.

( Маъноси: Менга тажрибадан маълум бўлдики,

Одамда канчалик илм бўлса хам илмнинг кадри молдадур.)

Махмудхўжа Бехбудий

«Самарканд» газетаси 1913 йил 30 июл.